

СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ ТАРИХИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Атабек Абдумажитович ГАФУРОВ

бошлиқ ўринбосари
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси ҳузуридаги
Мажбурий ижро бюроси
Тошкент шаҳар Чилонзор туман бўлими
Тошкент, Ўзбекистон
ozod2509@mail.ru

Аннотация

Мақолада муаллиф суд ҳужжатларини ижро этиш тизимининг ривожланиш тарихини Ғарб давлатлари ва Ўзбекистон мисолида ўрганиб, ривожланиш босқичлари ва бугунги кундаги ижро тизими ўртасидаги тафовут ва ўхшашликларни таҳлил қилиб чиққан.

Таянч сўзлар: ижро иши, мажбурий ижро, суд ижрочиси.

ИСТОРИЯ И ЭТАПЫ РАЗВИТИЯ ИСПОЛНИТЕЛЬНОГО ПРОИЗВОДСТВА СУДЕБНЫХ ДОКУМЕНТОВ

Атабек Абдумажитович ГАФУРОВ

Заместитель начальника
Чиланзарского районного отдела
Бюро принудительного исполнения
при Генеральной прокуратуры
Республики Узбекистан
ozod2509@mail.ru

Аннотация

В статье автор изучил историю развития системы исполнения судебных документов на примере стран Запада и Узбекистана, а также проанализировал различия и сходства между этапами развития и действующей системой исполнения

Ключевые слова: исполнительное дело, принудительное исполнения судебный пристав исполнитель.

Ижро иши – бу қонуний кучга кирган ижро ҳужжатларини ижро этишга қаратилган процессуал ва амалий ҳаракатларнинг йиғиндисидир. Ижро иши фуқаролик ҳолатининг алоҳида босқичи бўлиб, суд ҳужжатлари ёки бошқа органлар ҳужжатлари талаблари ихтиёрий равишда бажарилмаганида юзага келади.

Мажбурий ижро – бу мулкый ундирув ёки номулкий характердаги ижро ҳужжатларини қарздор томонидан ихтиёрий равишда бажарилмаган тақдирда

ижро томондан қўлланиладиган мажбурий ижро ҳаракатлари йиғиндисидир. Мулкӣ ундирув билан боғлиқ бўлган ижро ишлари юзасидан ижрочи ўз ваколатлари доирасида ундирувни қарздорнинг мол-мулки ёки мулкӣ ҳуқуқларига қаратиш орқали амалга оширса, номулкӣ характердаги ижро ҳужжатлари (уйдан кўчириш, уйга киритиш, болани олиб бериш, ноқонуний қурилмани бузиш ва х.к.) юзасидан қарздорларни ижро ҳужжатида кўрсатилган талабларни бажариши учун мажбурий ижро этиш чораларини кўриш ва маъмурий чоралар кўриш билан амалга оширади.

Суд ижрочиси – фуқаролик ишлари бўйича судлар, жиноят судларининг мулкӣ ундирув билан боғлиқ бўлган қисми ва ижро ҳужжати кучига эга бўлган бошқа ҳужжатларнинг мажбурий ижроси билан шуғулланувчи шахс ҳисобланади. Дунёнинг барча мамлакатларида суд ижрочиси у ёки бу ном ёки шакл билан мавжуд ва фаолият кўрсатиб келади.

Бугунги кунда, айрим давлатларда ижро ҳужжатларининг мажбурий ижроси билан давлат ташкилотлари шуғулланса, айрим давлатларда махсус рухсатнома билан фаолият юритувчи, давлат номидан ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар шуғулланиб келишади. Бундай давлатларга мисол қилиб, Европа иттифоқи давлатларини хусусан, Франция, Италия, Польша, Венгрия, Белгия ва Болтиқбўйи давлатларини келтириш мумкин. Бундай давлатларда бу касб учун танлов ва хусусий ижрочиларнинг фаолияти махсус қонун билан тартибга солинади.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи суд ижрочиларини қайсидир маънода хусусий амалиёт билан шуғулланувчи Нотариусларга қиёслаш мумкин. Давлат улар учун ойлик маош тўламайди ва умуман мажбурий ижро жараёнида давлат томонидан ҳеч қандай харажат қилинмайди. Хусусий суд ижрочилари ижро ҳужжатлари бўйича қарздорлардан ундириладиган йиғимлар ҳисобидан даромад кўрадилар. Шу билан бирга уларнинг қабул қилган қарорлари устидан шикоят қилиниши мумкин ва улар ўзлари қабул қилган қарорлари ва ҳатти ҳаракатлари учун жавобгар бўладилар. Ушбу ҳолатда юзага келадиган молиявий жавобгарлик масаласини самарали ҳал

килиш учун суд ижрочиларининг жавобгарлиги мажбурий суғурта қилинади.

Айрим давлатларда хусусан МДХ давлатларида бир вақтнинг ўзида давлат ва хусусий суд ижрочилари фаолият кўрсатади. Мисол учун қўшни Қозоғистон Республикасида давлат суд ижрочилари билан бир вақтда хусусий суд ижрочилари ҳам фаолият кўрсатадилар. Хусусий суд ижрочилиги Қозоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тақдим этиладиган лицензияга эга бўлиши ва хусусий суд ижрочиларининг Республика Хайъатига аъзо бўлишлари талаб этилади. Давлат суд ижрочилари ва хусусий суд ижрочилари бир хил қонуний ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар. Хусусий суд ижрочилари ўз фаолиятларини қарздорлардан ундириладиган тўловлар ҳисобига молиялаштирадилар.

Бундан ташқари АҚШ, Россия Федерацияси, Украина, Беларус, Европа иттифоқининг айрим давлатлари ва Латин Америкаси давлатларида хусусий суд ижрочиларининг аналоглари сифатида коллекторлик фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар ҳам фаолият кўрсатади. Бундай ташкилотларнинг фаолияти қонун билан тартибга солинган бўлиб, фақатгина айрим тоифадаги қарздорликларни ундириш билан шуғулланишади ва чекланган ваколатга эга бўладилар.

Ўзбекистон Республикасида суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси органларининг давлат ижрочилари зиммасига юклатилган.

Суд ҳужжатларини ижро этиш бугунги кундаги шаклга етиб келгунча тарихда бир неча босқичларни босиб ўтган ва замон ривожланиши, ижтимоий муносабатларнинг ўзгариши ва иқтисодиётга мос равишда ўзгариб, такомиллашиб борган. Дунёда ҳар бир давлат ўз ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий ҳолатидан келиб чиқиб ўзига мос ижро тизимини яратган.

Европа тарихида суд қарорлари давогар ва жавобгар тараф ҳам ушбу қарорни тан олган тақдирдагина ижро кучига эга бўлган. Акс ҳолда эса томонлар ижро масаласини мустақил ҳал қилганлар. Давлатлар эса бу

жараёни мувофиқлаштириш билан шуғулланган, холос. Рим империясида қарз мажбурияти деган тушунча мавжуд бўлиб, ундирувчига қарздорликни суд қарорисиз ундириш ва қарздорни ўзига хизматкор сифатида олиб кетиш ёки уни қул сифатида сотиб юбориш ҳуқуқини берган. Кейинчалик бу ҳолатларга барҳам берилган бўлсада, қарздорликни суд қарорисиз ҳам ундириш давом эттирилган. Бунда асосий шарт сифатида қарздорликни тан олиши келтирилган бўлиб, бундай ҳолатда “Претор”нинг буйруғи билан суд қарорисиз қарздорликни ундиришга рухсат берилган. Табиийки мулкчилик ривожланмаган даврда ундирувни шахсга қаратиш орқали амалга оширилган.

Ўрта асрларга келиб, мулкчилиكنинг ривожланиб бориши ундирувни шахсга қаратишга қисман барҳам бериб, ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш шаклига бошлаган. Айнан ўрта асрларда Европада мажбурий ундирувни суд қарорисиз амалга ошириш тақиқлана бошлаган. Шунингдек, айнан шу даврда қарздорнинг ҳуқуқи деган тушунча ҳам пайдо бўлиб, яшаш учун зарур бўлган айрим мол-мулкларга ундирувни қаратиш таъқиқланган. Ўрта асрларда суд қарорлари фақатгина ўша қарор чиқарилган ҳудуддагина қонуний кучга эга бўлган ва ижро этилган.

Рус империясида эса қарорларни ижро қилиш давлат ҳокимиятининг вазифаси ҳисобланган. Қарздорликни ундириш жараёнида қарздор тўлов қобилиятига эга эмаслигини билдирса, унинг қарзи қоплангунга қадар ундирувчига “қарол” сифатида бериб юборилган ва шунинг учун ҳам бу чора фақатгина аҳолининг қуйи қатламига нисбатан қўлланилган. Ундирувчи қарздорни оч қолдирмаслик мажбуриятини олган.

Агар қарздор “қароллик”га берилишдан қочиб тўлов қобилиятига эга эмаслигини тан олмаса қарздорлиги миқдоридан келиб чиққан ҳолда уни хар қуни оёғига уриш билан жазолашган ва маълум муддат ўтгандан кейин қарздорликни қоплаш мақсадида ундирувчига топширилган. Ушбу қоидалар Пётр I даврига келибгина бекор қилинган.

XV асрга келиб Рус ҳуқуқида ҳам ижрочи мақоми шаклига бошлаган. Айнан шу даврга келиб суд ижрочисига махсус ҳужжат (ёрлик) бериш ва

унинг ваколатларини белгилаб берувчи бошқа қоидаларни ўзида мужассам этган ҳужжатлар қабул қилина бошлаган. Бу даврда суд ижрочилари судларга ёки Князларга тўғридан тўғри бўйсунганлар ва ўз фаолиятларини уларнинг назорати остида олиб бориб, уларга ҳисобдор бўлганлар. XVI асрга келиб қабул қилинган ҳужжатларда эса суд ижрочиларининг жавобгарлиги масалалари ҳам қайд этила бошлаган. Хусусан, ўз хизмат вазифаларини лозим даражада бажармаганлик ёки ўз фаолиятлари учун ундирувчилардан оладиган тўловлар миқдорини асоссиз ошириб юборганлик учун суд ижрочилари жавобгарликка тортилганлар.

1864 йилга келиб эса то 1917 йилдаги октябр революциясига қадар амалда бўлган суд тизими ислохотлари амалга оширилади ва суд ижрочилари тўлиқ судларга бўйсундирилади. Шунингдек мажбурий ижро этиш жоралари рўйхати ҳам ўзгартирилиб, қарздорликни натура тарзида тўлаш, ундирувчи фойдасига маълум бир иш ёки ҳаракатни суд томонидан белгиланган муддатда амалга ошириш, ундирувни мол-мулкга қаратиш шулар жумласидандир.

Континентал Европа давлатлари хусусан Франция ва Италияда суд ижрочилари мустақил фаолият юритувчи хусусий шахс бўлиб келишган ва ушбу институт XVI асрдан бошлаб шакллана бошлаган. Бугунги кунга келиб, юридик маълумотга эга бўлган ва маълум бир муддат суд ижроси идорасида амалиётни ўтаган шахслар махсус лицензия олиш учун махсус танловдан ўтишлари мумкин бўлади. Бу каби танловлар ва умуман махсус лицензия бериш Адлия вазирликлари томонидан ташкиллаштирилади ва махсус танловдан ўтган шахсларгина маълум бир округга суд ижроси лицензиясини олишлари мумкин бўлади.

Бугунги кунга келиб эса аксарият ғарб давлатларидаги ижро тизимини шартли равишда 3 та турга бўлиш мумкин: булар романо-герман, англосаксон ва социалистик. Юқорида келтириб ўтилган ҳар бир ижро этиш тизими ўзининг у ёки бу хусусиятлари билан бир-биридан ажралиб туради. Шу билан бирга ижро этиш тизими айнан бир турга мансуб бўлган давлатлардаги тизимларни ҳам айнан бир хилда деб бўлмайдиган ва улар ҳам бир-бирларидан

ўзаро хилма хилликлари билан ажралиб турадилар [4;99-101].

Романо-Герман ижро тизими Франция, Германия, Италия, континентал Европа, якин Шарқ ва Лотин Америкасининг айрим давлатларида тарқалган. Ушбу тизимга қадимги Рим ҳуқуқи тўғридан тўғри таъсир кўрсатган деб айтиш мумкин. Англия ёки АҚШнинг ижро тизимлари бир хил Англосаксон тизимига оид бўлсада, улар бир биридан фарқ қиладилар. Англия учун консерватизм, АҚШ учун ўзи босиб ўтган йўлдан келиб чиқиб шаклланган тизим муҳим ўрин тутди.

Континентал Европа давлатларида ижрочилар асосан махсус лицензияга эга бўлган ва ҳудудий бошқарув органлари томонидан фаолияти мувофиқлаштириб бориладиган хусусий шахслар ҳисобланишади. АҚШда Европадан фарқли равишда Маршаллар институти шаклланган. Маршаллар таъсир доираси анча юқори бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органи ҳисобланади ва суд қарори ижросини таъминлаш билан бир вақтда қонунан белгилаб қўйилган бошқа вазифаларни ҳам бажаришади. Судлар ва суд жараёни қатнашчиларини ҳимоя қилиш шулар жумласига киради [4;101-105].

Ўзбекистон тарихига назар ташланадиган бўлса суд ва ижро тизими ислом қонун-қоидаларига асосланганлигини кўриш мумкин. Суд ва ижро тизими қозилар томонидан бошқарилган ва қозилар тўғридан тўғри юқори ҳукмдор (Амир ёки Хон)га шахсан ҳисоб бериб турганлар. Мисол учун Амир Темур даврида ўша даврлар учун мукаммал ҳисобланган суд тизими мавжуд бўлиб қозилар томонидан бошқарилган. Қарз олди-бердиси билан боғлиқ бўлган масалалар “Аҳоли қозиси” (бугунги кундаги фуқаролик судлари билан қиёслаш мумкин) томонидан кўриб чиқилган ва ижроси ҳам қози томонидан назорат қилинган. Аҳамиятли жиҳати шундаки Европа давлатлари ва Рус империясидан фарқли равишда ундирувни шахсга қаратиш амалиёти қўлланилмаган ва ундирувни мол-мулкга қаратиш ва бунда яшаш учун зарур бўлган мол-мулкларга тегмаслик амалиёти қўлланилган.

Ўзбекистон Республикасида суд ҳужжатларини ижро этиш тизимининг янги тарихи бевосита собиқ СССР билан боғлиқдир. 1917 йилдаги октябрь

инқилобидан кейин Россия империяси давридаги суд қарорларини ижро этиш тизими қайтадан ташкил этилиб, ушбу вазифа судлар қошида фаолият юритувчи суд ижрочиларига юклатилган. Мажбурий ижро этиш тартиби биринчи бўлиб 1923 йилда қабул қилинган фуқаролик процессуал кодексида белгилаб қўйилган.

Суд ижрочиларини вазифасига тайинлаш ва уларни вазифасидан озод этиш суд раисининг ваколатларига кирган. Суд ижрочилари фуқаролик ишлари бўйича судларнинг қарорлари, ажримлари, нотариусларнинг ижро хатлари, арбитраж судларининг қарорлари ва бошқаларни ижро қилганлар. Ижро ҳужжатлари ижро қилинишида махсус йиғимларнинг ундирилиши ҳам айнан шу даврдан бошланган.

Кейинчалик ижро ҳаракатларини амалга оширишнинг бошқа қонуний асослари ҳам яратилган. Жумладан, 1964 йилдаги фуқаролик процессуал кодекси, собиқ СССР Адлия вазирлигининг 1973 йил 24 апрелдаги “Суд қарорларини ижро этиш тартиби тўғрисида”ги йўриқномаси, 1985 йил 15 ноябрдаги “Ижро иши тўғрисида”ги йўриқномаси. Шу даврга келиб шаклланган суд қарорларини ижро этиш тизими 1991 йилга қадар амалда бўлган [5; 18-19]

Мустақиллик йилларига келиб, суд ижрочилари судлар таркибида фаолият кўрсатишни давом эттириб келганлар ва уларнинг устидан назорат судлар томонидан амалга ошириб келинган. 2001 йилга келиб ижро соҳасида муҳим ўзгаришлар амалга оширилди. 2001 йил 29 августда “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Мазкур қонунда илк бор суд ижрочиси ҳокимият вакили эканлиги белгилаб қўйилган бўлиб, мазкур қонун суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда юзага келадиган муносабатларни тартибга солувчи биринчи махсус қонундир.

Ижро иши юритиш тизимини ислох қилиш изчиллик билан давом эттирилиб, 2001 йил 22 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси судлари фаолиятини янада

такомиллаштириш тўғрисида”ги 383-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ, Вазирлар маҳкамасининг 2001 йил 10 мартдаги 120-сонли қарори билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти сифатида қайта ташкил этилди. Шу билан ижро иши юритиш тизими мустақил ташкилот сифатида судлардан ажралиб чиқиб фаолият кўрсата бошлади [5; 20-24].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги ПФ 5059-сонли “Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони асосан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Мажбурий ижро бюроси ташкил этилиб, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаментига юклатилган вазифалар Мажбурий ижро бюросига юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасига асосан “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси (бундан буён матнда Мажбурий ижро бюроси деб юритилади) органларининг давлат ижрочилари зиммасига юклатилади, уларнинг ваколатлари ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади” [1;1].

Бугунги кунда шиддат билан ўзгариб бораётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, муаммолар суд ҳужжатларини ижро этиш тизимини доимий такомиллаштириб бориш заруриятини юзага келтиради. Шу сабабли ҳам

Мажбурий ижро бюроси ташкил топган кундан бошлаб бугунги кунга қадар бир қатор қарорлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси “Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди ва натижада ижро этиш тизими замон талабига мос равишда такомиллаштириб борилмоқда.

Бутун дунёда мавжуд бўлган ижро тизимларини умумийлаштириб турувчи жиҳат эса бу охир оқибан у ёки бу тарзда ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратишдир. Шунингдек, дунёда мавжуд бўлган ижро тизимларини бир-бирдан фарқлашнинг асосий омили эса ушбу тизимга давлатнинг ёки суд тизимининг аралашуви даражаси билан белгиланади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ижро тизими куч ишлатиш элементлари билан таъминланган давлатларда, бундай элементларга эга бўлмаган давлатларга нисбатан ундирув самарадорлиги юқорироқ бўлади. Албатта у ёки бу давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, ижтимоий-психологик, маданий ўзига хослик, бу борада олиб борилаётган қонунчилик ислоҳатлари каби факторлар ижро ундируви самарадорлигига тўғридан тўғри таъсир кўрсатсада, энг либерал бўлган қонунлар ҳам пировардида Мажбурий ижро этиш чораларини кўрмасдан туриб, ижро ундируви самарадорлигини ошириб бўлмаслигини эътироф этиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августъ №258-II қонуни. WWW.Lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси судлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 сентябрь №383 қарори. WWW.Lex.uz
3. Судлар фаолияти таъминотини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10

март №120 қарори. WWW.Lex.uz

4. Батычко В.Т. Исполнительное производство в зарубежных странах.
//Технические науки, Известия Южного Федерального Университета, 2008. –
99-105

5. Тухташева У. Ижро иши юритиш: дарслик – Тошкент: Муסיка, 2010.